БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • №65 (19.441). • 1986 йил 14 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

### МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ғиждувон паррандачилик фабрикаси паррандабоқарлари давлатга тухум ва парҳез гўшт топшириш бўйича дастлабки квартал планини муддатидан олдин шараф билан бажардилар. Меҳнаткашлар дастурхонига пландаги 450 минг дона ўрнига 532 минг дона тухум, 70 тонна ўрнига 73 тонна парҳез гўшт етказиб берилди.

Фабрика коллективи КПСС XXVII съезди қарорларига жавобан шу йилнинг биринчи квартали охиригача давлатга планга қўшимча яна 400 минг дона тухум, 30 тонна парранда гўшти топширишга аҳд қилдилар.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

# ПАРТИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИ

Экономика партия, бутун совет халқи фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Совет кишиларининг моддий ва маънавий бой, социал жиҳатдан бекаму кўст турмушини таъминлаш учун, жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш учун шарт-шароитлар айни шу соҳада вужудга келтирилади.

КПСС XXVII съезди мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасида КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан концепцияни, уни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий тадбирларни тўла-тўкис маъқуллаб, ўз резолюциясида қуйидагиларни ёзди: ҳар томонлама ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, етук социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига, созланган хўжалик механизмига эга бўлган, юксак даражада ташкил этилган ва самарали экономикага ўтиш партиянинг стратегик йўлидир.

Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш партия иқтисодий стратегиясининг энг асосий масаласидир. Уч беш йиллик мобайнида халқ хўжалигини янгича техникавий реконструкция қилиш ва шу асосда жамиятнинг моддий-техника базасини қайта ташкил этиш лозим бўлади. 2000 йилга бориб мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалини сифат жиҳатидан тубдан янгилаган ҳолда уни икки баравар ошириш планлаштирилмоқда. Техника ва технологияни такомиллаштириш, шунингдек, ўсишнинг барча ташкилий, иқтисодий ва социал омилларини сафарбар этиш асосида миллий даромадни салкам икки баравар, меҳнат унумдорлигини 2,3—2,5 баравар ошириш мўлжалланди.

Фан-техника тараққиёти инсон олдига янги вазифалар қўймоқда. Инсон энг янги техникани ярата олишигина эмас, шу билан бирга уни амалда самарали қўллай билиши ҳам керак, бу эса малакали кишиларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малака ва маҳоратини муттасил ошириш бутун системаси доимо такомиллаштирилишини, мамлакатдаги барча тармоқлар ва регионларда иш жойлари билан меҳнат ресурсларининг мутаносиблиги планли равишда таъминланишини талаб этади.

Интенсивлаш изларига ўтиш экономикада жиддий структура ўзгаришларини тақозо этади. Бизнинг халқ хўжалигимиз илм-фан, техника ва технологиядаги, жамоат ва якка талаб-эҳтиёжлардаги илғор силжишларга мувофиқ эпчиллик билан ва ўз вақтида қайта қурилиши керак. Фан-техника тараққиётини ва социал вазифалар муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи тармоқлар анча юксакроқ суръатлар билан ривожлантирилади. Шу муносабат билан инвестиция сиёсатига нисбатан янги талаблар қўйилмоқда. Бу сиёсат капитал маблағлар самарадорлиги тез ўсишини, улар ҳал қилувчи участкаларда жамланишини, сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига маҳсулот ва миллий даромад энг кўп ўсишини таъминлаши лозим. Бунинг учун ишлар маркази янги қурилишдан мавжуд корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга кўчирилмоқда.

Совет экономикасини жаҳондаги энг такомиллашган ва қудратли экономикага айлантириш иқтисодий қудрат негизи бўлмиш оғир индустрияни янада ривожлантиришни тақозо этади. Бунда партия юқори техник-иқтисодий даражадаги системалар ва машиналарнинг комплексларини, ускуналар ва приборларни ишлаб чиқариши лозим бўлган машинасозликка энг муҳим роль ажратмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг чинакам омиллари — станоксозлик, электр-техника саноати, микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси, асбобсозлик, информатика индустрияси устун ривожлантирилади. Мана шу тармоқларни ривожлантиришда муваффақиятга эришиш учун металлургияда, химияда, конструкция материаллари ишлаб чиқарадиган бошқа тармоқларда сифат силжишлари қилиниши керак.

Экономика кўламларини кенгайтириш мамлакат ёқилғи-энергетика комплексини самарали ривожлантиришни, унинг структурасини яхшилашни талаб қилади. Атом энергетикаси жадал суръатлар билан ривожлантирилади, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан тобора кенгроқ фойдаланиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга келгусида ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёж ўсишининг 75—80 проценти ана шу ресурсларни ҳар томонлама тежаш йўли билан қондирилиши лозим.

Партия XXVII съездининг резолюциясида қайд этиб ўтилганидек, партиянинг ҳозирги аграр сиёсатини сабот билан амалга ошириш, СССРнинг озиқ-овқат программасини бажариш — партия, совет, хўжалик органларининг, ҳар бир коммунистнинг, бутун халқнинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш негизида социал вазифалар муваффақиятли ҳал этиб борилади. Халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини муттасил ошириб бориш партия иқтисодий стратегиясининг олий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, дейилади Асосий йўналишларда.

КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш давомида барча иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан уйғун ривожланишини таъминлаш зарур, бунинг учун ишлаб чиқарувчи кучлар жойлаштирилишини такомиллаштириш, ривожланишнинг комплекслилигини кучайтириш, республикалар ва иқтисодий районлар хўжаликларини ихтисослаштириш, уларнинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашга ва социал вазифаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириб бориш керак.

Съезд белгилаган ўзгартишларнинг чуқурлиги ва миқёси халқ хўжалигига раҳбарликни янги, яна ҳам юқори даражага кўтаришни ва шу тариқа социалистик план системасининг афзалликлари ҳамда имкониятларидан яхшироқ фойдаланишни тақозо этади. Марказий органларнинг куч-ғайратлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумдавлат, тармоқлараро ва регионлараро проблемаларини ҳал этишга қаратилиши лозим. Айни вақтда бошқарувнинг иқтисодий методлари ролини, бирлашмалар ҳамда корхоналарнинг хўжалик жиҳатдан мустақиллиги ва иқтисодий масъулиятини ошириш вазифаси олға сурилди. Бунинг учун эса хўжалик юритишнинг янги методларига планли равишда ўтиш керак.

«Улкан ва мураккаб экономикага эга бўлган мамлакатимиз шароитида хўжалик механизмини қайта қуриш учун вақт ва зўр куч-ғайрат сарфлаш керак бўлади, деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Қийинчиликлар бўлиши мумкин, камчиликлар бўлмайди, деб ҳам айта олмаймиз, лекин ҳозир энг муҳим нарса — танлаб олган йўлдан қатъият билан, қадам-бақадам олға бориш, тўпланган тажриба асосида хўжалик механизмини тўлдириб ва такомиллаштириб, умрини яшаб бўлган ёки ўзини оқламаган ҳамма нарсаларни бартараф этиб боришдан иборат».

Халқ хўжалигининг ҳамма даражалари ва барча бўғинларида, дейилади съезд қарорларида, бошқарувнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун асосан икки бўғинли системага ўтишни кўзда тутиб, тармоқларни бошқаришнинг янги бош схемаларини аниқлаш ёки ишлаб чиқиш, бир-бири билан боғлиқ тармоқлар группаларини бошқариш органларини тузиш лозим. Министрликлар ҳамда идораларнинг вазифалари ва ҳуқуқларини аниқлаб олиш керак бўлади. Улар куч-ғайратларини ўзларининг ривожланиш истиқболларини белгилашга, энг муҳим пропорцияларни шакллантиришга ягона фан-техника ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширишга қаратишлари лозим. Бошқарув структурасини такомиллаштириш чоғида турли соҳалардаги ходимлар сонининг энг мақбул тарзда мос келишига эришиш, бошқарув аппаратини анча ихчамлаштириш ва арзонлаштириш, ишда расмиятчилик ва бюрократизмга қатъиян барҳам бериш, йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар сонини кескин камайтириш муҳимдир.

Совет кишилари КПСС XXVII съезди қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар, юксак уюшқоқлик, ташаббускорлик ва маҳорат кўрсатиб, илҳом билан меҳнат қилишга астойдил интилаётганликларини изҳор қилмоқдалар. Уларнинг меҳнатдаги куч-ғайратлари партия планларини ўз вақтида амалда рўёбга чиқаришга қаратилган. Партия планларининг мақсади — мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашдан, халқ фаровонлигини бутун чоралар билан юксалтиришдан иборат.

КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ ишда тез бурилишга эришиш, хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида бурилиш ясаш, яратилган потенциалдан самаралироқ фойдаланиш ҳозирги асосий вазифадир. Марказда ва жойлардаги меҳнат коллективларига, партия, совет ва хўжалик органларига, жамоат ташкилотларига нисбатан қўйилаётган ҳозирги талабларнинг моҳияти — юксак натижаларга эришишни таъминлашдан, тўпланган тажрибани янги билимлар ва янги қарорлар билан узвий боғлаш асосида моҳирлик билан хўжалик юритишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир тармоқда, бирлашма ва корхонада, барча цехлар ва бригадаларда энг кам қўшимча харажатлар билан энг катта натижага эришиш мумкин бўлган бўғинлар аниқлаб олиниши керак. Белгиланган барча режалар ҳеч кечиктирилмай амалда рўёбга чиқарилиши лозим.

Коммунистлар, партия ташкилотлари зиммасига съезд қабул қилган планларнинг амалга оширилиши учун катта масъулият тушади. Айни улар омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига етакчилик қилишлари, меҳнат мусобақаси чоғида юзага келган қимматли ташаббусни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаб, оммалаштиришлари керак. Инсон омилидан, одамлардан, уларнинг маҳорат ва ижодкорлик билан меҳнат қилиш, ҳар бир меҳнат коллективида юксак уюшқоқлик, интизом ҳамда тартибни таъминлаш маҳорати ва истагидан иборат аслида битмас-туганмас асосий резервни тўла-тўкис ишга солиш керак.

Партия XXVII съездининг материаллари ва қарорлари — меҳнаткашлар, барча совет кишилари учун конкрет ҳаракат программасидир. Бинобарин, бизнинг кундалик бунёдкорлик ишимиз қанчалик уюшган, батартиб ва баҳамжиҳат бўлса, биз жамиятни ўзгартиришнинг КПСС XXVII съезди белгилаган улуғвор программасини шунчалик муваффақиятли амалга оширамиз.

(«Правда» газетасининг 13 мартдаги бош мақоласи).

# «СОЮЗ Т-15» УЧИРИЛДИ

*ТАСС АХБОРОТИ*

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1986 йил 13 март куни Москва вақти билан соат 15 дан 33 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-15» космик кемаси учирилди. Уни кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси полковник Леонид Денисович Кизим ва бортинженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Владимир Алексеевич Соловьевдан иборат экипаж бошқармоқда.

Учиш программасида «Союз Т-15» кемасини 1986 йил 20 февралда Ер атрофи орбитасига чиқарилган «Мир» илмий станцияси билан туташтириш ҳамда кема ичида мўлжалланган илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни экипаж ўтказиши кўзда тутилади. Космик аппаратларни туташтириш 15 мартга белгиланган.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Союз Т-15» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Космонавтлар Леонид Кизим билан Владимир Соловьев ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.



«Союз Т-15» кемасининг командири полковник
**Леонид Денисович КИЗИМ**

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Леонид Денисович Кизим 1941 йил 5 августда Донецк областининг Красний Лиман шаҳрида туғилди.

У 1963 йилда Ленин комсомоли номидаги Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлади. Сўнгра ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилди. «1 класс ҳарбий учувчи» ва «3 класс синовчи-учувчи» малакасига эга.

Леонид Денисович космонавтлар отрядига 1965 йилда қабул қилинган эди.

Л. Д. Кизим — 1966 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Леонид Денисович 1975 йилда асосий ишидан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академиясини тамомлади.

Л. Д. Кизим икки марта: биринчи марта 1980 йилда «Союз Т-3» кемаси ва «Салют-6» орбитал станцияси командири сифатида, иккинчи марта 1984 йилда 237 сутка давом этган учиш вақтида «Союз Т-10» кемаси ва «Салют-7» орбитал станциясининг командири сифатида космосга парвоз қилди.



«Союз Т-15» кемасининг бортинженери
**Владимир Алексеевич СОЛОВЬЕВ**

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Алексеевич Соловьев 1946 йил 11 ноябрда Москва шаҳрида туғилди.

У 1970 йилда Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини битирганидан кейин конструкторлик бюросида ишлаб, космик техниканинг янги намуналарини яратишда иштирок этди.

В. А. Соловьев — 1977 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Владимир Алексеевич 1978 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинган эди.

Владимир Алексеевич биринчи марта «Союз Т-10» кемасининг ва «Салют-7» орбитал станциясининг бортинженери сифатида 1984 йили парвоз қилди. Бу учиш 237 сутка давом этган эди.

# КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## АРГЕНТИНА, ҲИНДИСТОН, МЕКСИКА, ТАНЗАНИЯ, ШВЕЦИЯ ВА ГРЕЦИЯ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАКТУБИГА ЖАВОБИ

Аргентина Президенти Рауль АЛЬФОНСИН жанобларига
Ҳиндистон Бош министри Ражив ГАНДИ жанобларига
Мексика Президенти Мигель Де Ла МАДРИД жанобларига
Жулиус НЬЕРЕРЕ жанобларига
Швеция Бош министри Ингвар КАРЛССОН жанобларига
Греция Бош министри Андреас ПАПАНДРЕУ жанобларига

Қабиҳ қотилнинг ёвуз қўлида ҳалок бўлган Улоф Пальме энди сизларнинг орангизда йўқлигини чуқур қайғу билан қайд этаман. Унинг фожиали ҳалок бўлганлиги тинчликни қадрлаётган барча кишиларнинг қалбларини қаттиқ алам билан тўлдирди. У тинчликни сақлаб қолиш учун эҳтирос билан ҳормай-толмай курашган эди.

Ҳурматли жаноблар!

Сизларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро урушининг олдини олишга қаратилган куч-ғайратларингизга хос бўлган изчиллик ва собитқадамлик учун совет раҳбарлари номидан бизнинг чуқур ҳурмат туйғуларимизни сизларга изҳор этмоқчиман. Бизнинг фикримизча, сизлар биргаликдаги ташаббуслар билан майдонга чиқаётганлигингиз бутун планета миқёсида давлатлар ва халқларнинг амалий, бунёдкорлик руҳидаги баҳамжиҳат ҳаракатини йўлга қўйиш вазифасига тўла-тўкис мос келади. Бу нарса инсон зоти тақдирининг ўзи таҳлика остида қолган ҳозирги пайтда айниқса муҳимдир.

Ядро қуролсиз ялпи хавфсизлик тўғрисида мактубингизда билдирилаётган фикрлар яқиндагина тугаган КПСС XXVII съездида халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш ҳақида биз олға сурган концепция билан жуда ҳамоҳангдир. Ядро қуролини батамом ва муқаррар равишда йўқ қилиш шундай системанинг принципиал асосларидан бири бўлиши керак — биз бунда сизлар билан якдилмиз.

Ядро синовларининг тўхтатилиши инсониятни ядровий қуролланиш пойгасидан ва унинг барча ҳалокатли оқибатларидан халос этиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб қолиши мумкин ва лозим, деган фикрда ҳам бизнинг нуқтаи назарларимиз бир-бирига мос келади, деб ўйлайман.

Афтидан, сизлар бу масалани айни ҳозир — ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисидаги бир томонлама совет тадбири муддати тугашидан бир оз олдин яна кўтариб чиқаётганлигингиз тасодифий бўлмаса керак. Биз ўз таклифларимизни чамалаб кўриш учун Америка маъмуриятига берган қўшимча вақт тугаб бормоқда. Биз бу муддатни бир томонлама тартибда чексиз давом эттиравера олмаймиз. Биз саккиз ойдан буён синов мақсадида ҳам, тинчлик мақсадида ҳам ҳеч қандай ядро портлатишларини ўтказмай, шусиз ҳам ҳарбий, шунингдек халқ хўжалиги жиҳатидан баъзи нарсаларни бой бердик.

Шу билан бирга сизларнинг СССР билан АҚШга мурожаат этилган ва Олий даражада ўтказиладиган навбатдаги Совет—Америка учрашувигача қадар бўлган даврда ҳеч қандай ядровий синовларни ўтказмаслик тўғрисидаги даъватингизга жавобан шундай деймиз: **Совет Иттифоқи 31 мартдан кейин ҳам — АҚШдаги биринчи ядро портлатишга қадар ядро портлатишларини ўтказмайди.**

Контрол проблемасига келганда яна шуни таъкидламоқчиманки, биз бу проблемага катта аҳамият бермоқдамиз, чунки аҳдлашувларга қатъий амал қилинишидан ва бундан барча қатнашчиларнинг ишончи комил бўлишидан манфаатдормиз.

Ядро синовларини тақиқлашга татбиқан контрол миллий техника воситалари билан, шунингдек халқаро тадбирлар — зарур ҳолларда жойларнинг ўзида инспекция ўтказиш ёрдами билан ҳам таъминланиши мумкин. Биз Америка томонига иккала томон кузатувчиларининг ноаниқ ҳодисалар ядро портлатишлари билан боғлиқ эмасмикан, деган эҳтимол тутилган шубҳаларни бартараф этиш мақсадида ана шундай ҳодисалар содир бўлган жойларга ўзаро асосда тегишли сўровларга мувофиқ бориш имкониятини бериш тўғрисида аҳдлашиб олишни таклиф этмоқдамиз.

Ўз-ўзидан равшанки, сизларнинг ядровий синовларни тўхтатишни текширишда, жумладан жойларнинг ўзида инспекция қилишда ёрдам бериш тўғрисидаги таклифингизни бошқа томон ҳам қабул қилган тақдирда, биз ундан фойдаланишга тайёрмиз.

Синовлар проблемасини батамом ҳал қилиш учун ядро қуроли синовларини халқаро ҳуқуқий тартибда тақиқлаб қўядиган шартнома зарур, албатта. Биз шундай шартномани ишлаб чиқишга дарҳол киришишни, тегишли музокараларни ҳар қандай ҳолда—икки томонлама, уч томонлама, кўп томонлама тарзда қайта бошлаш ёки янгидан бошлашни, бунда уни бошқа бирон-бир масалаларга боғлиқ қилиб қўймасликни таклиф этамиз. Музокараларда контрол масалалари орқага сурилиб қолишидан хавотир олаётган кишиларга эса биз аввал бошданоқ бундай музокараларда мумкин қадар тезроқ комплекс аҳдномага эга бўлиш мақсадида мазкур масалаларни ҳам ҳал қилиш билан айни бир вақтнинг ўзида шуғулланишни таклиф қиламиз.

Сизларни ишонтириб айта оламанки, Совет Иттифоқи ядро синовларини тўхтатишдек кечиктириб бўлмайдиган проблеманинг ҳал этилишини амалий изга ўтказиш, ядровий аслаҳахоналарнинг батамом тугатилишига эришиш учун бундан буён ҳам барча зарур ишларни қилаверади.

Ҳурмат билан
**М. ГОРБАЧЕВ.**

* * *

Олти давлат — Аргентина, Ҳиндистон, Мексика, Танзания, Швеция ва Греция бошлиқлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга ва АҚШ президенти Р. Рейганга мактуб билан мурожаат қилдилар. Мактубда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейган ўртасидаги навбатдаги учрашувга тайёргарлик кўриш учун ишонч ва ижобий муҳитни яратиш мақсадида ана шу учрашувгача бўлган даврда СССР ва АҚШ ҳар қандай ядро синовларидан тийилиб туришларига даъват этилади. Мактуб авторлари ядро синовларини тўхтатиб туришни текширишга кўмаклашишни таклиф этадилар, шу билан бирга бундай кўмаклашув жойларда назорат қилишни ҳам ўз ичига олган бўлур эди. Олти давлат бошлиқлари ядро қуролисиз ялпи хавфсизлик янги концепциясини ёқлаб чиқмоқдалар.

(ТАСС).

# АЛОҲИДА НАШР ЭТИЛДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади юзасидан қабул қилган резолюцияси ҳамда партия XXVII съезди қарорлари алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

* * *

1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари тексти китобча қилиб нашр этилди. Мазкур текст КПССнинг XXVII съездида якдиллик билан қабул қилинган эди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

## ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

### МАККАЖЎХОРИ ЭКИЛДИ

Қўрғонтепа районидаги «Ленинский» совхоз-саноат комплексининг деҳқонлари Тянь-Шань тоғ этакларидаги янги ерларга маккажўхори экиб бўлишди. Уруғ органик ўғит билан яхши бойитилган ерга ташланди. Бу майдонларнинг ҳар гектаридан 80 центнер дон ва камида уч юз центнер кўкпоя йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Шу беш йилликда совхознинг озуқабоп экин майдонлари қўриқ Тошохур массивини ўзлаштириш ҳисобига кенгайтирилади. Яқин йиллар ичида экин майдонлари 600 гектарга кенгайтирилади.

### ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Урганч районидаги Энгельс номли колхоз деҳқонлари ғўзани парвариш қилишнинг интенсив технологиясига ўта бошладилар. Бу ерда чигит экиш олдидан майдонлар йириклаштирилди. Пахтакорлар ирригация ва зовур трассаларини тўғриладилар, тут дарахти кўчатларини четга олдилар. Бу эса механизмлардан кенгроқ фойдаланиш, маҳсулот тан нархини камайтириш, ҳосилдорликни ошириш имконини беради.

### ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

«КПСС XXVII съезди қарорларини бажарамиз!» шиори остида ишлаётган Қашқадарё области чорвадорлари дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Областда гўшт тайёрлаш биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Давлатга йил бошидан буён пландаги 9400 тонна ўрнига 9428 тонна гўшт топширилди.

Қўлга киритилган муваффақиятда Деҳқонобод, Косон, Шаҳрисабз, Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ районлари чорвадорларининг ҳиссаси катта. Областда гўшт тайёрлаш давом этмоқда.

### ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз бўрдоқибоқарлари зафар қучдилар.

Колхозда давлатга 45 тонна ўрнига 75 тонна семиз гўшт топширилиб, йилнинг биринчи ярми учун белгиланган план барвақт бажарилди. Хўжаликнинг Салимжон Аминов, Абдуҳалил Эгамбердиев сингари бўрдоқибоқарлари парваришлаган ҳар бир мол (тирик вазнда) 602 килограммдан тош босди.

